Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

2026-yil,
12-noyabr,
payshanba
№142
(5362)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Янги Ўзбекистонда ҳар бир инсонга муносиб меҳнат, касб соҳасида ўсиш, дам олиш ва саломатлигини тиклаши учун зарур шароит яратиш – ғоят муҳим масала.
Биз шу мақсадда ижтимоий давлатнинг янги моделини яратяпмиз. «Кучли касаба уюшмалари – кучли жамият асоси» деган ташаббус асосида сизлар бу жараёнда олдинги сафда бўлишингиз керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркияга амалий ташриф доирасида Туркий давлатлар ташкилотининг янги тайинланган бош котиби Мирвоҳид Азимовни қабул қилди.

* * *

11 ноябрь куни Анталия шаҳрида бўлиб ўтаётган COP31 саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаҳон банки гуруҳи президенти Ажай Банга билан учрашди.

* * *

Анталия шаҳрида бўлиб ўтаётган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича 31-конференцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Финляндия Президенти Александр Стубб билан мулоқот қилди.

* * *

Амалий ташриф билан Туркияда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳасидаги ҳаракатлар бўйича Жаҳон саммитининг очилиш маросимида иштирок этди.

* * *

Анталия шаҳрида бўлиб ўтаётган Жаҳон иқлим саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Словения Республикаси Президенти Наташа Пирц Мусар билан учрашди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конференцияси сессияси доирасида Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири Ториқ Раҳмон билан учрашди.

* * *

Анталия шаҳрида бўлиб ўтаётган Жаҳон иқлим саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси ижрочи котиби Ясмин Фуад билан учрашди.

* * *

Анталия шаҳрида бўлиб ўтаётган глобал иқлим саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Тараққиёт дастури Администратори Александр Де Кроо билан учрашди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Анталия шаҳрида бўлиб ўтаётган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 31-сессияси (COP31) доирасида Жаҳон етакчилари саммитининг ялпи мажлисида нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбарининг Туркия Республикасига амалий ташрифи, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 31-сессияси (COP31) тадбирларида иштироки тафсилотлари билан батафсил танишиш учун қуйидаги ҳаволага ўтинг:

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА БИРЛАШИБ, ВАТАН РАВНАҚИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАМИЗ

Пойтахтимизда

11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан ўтказилган байрам тадбиридан репортаж

Ishonch.uz мухбири байрамнинг шукуҳли лаҳзаларини кадрларга муҳрлади



2-3 >>>

ФУНДАМЕНТАЛ АСАР ДЕБ БАҲОЛАНГАН КИТОБ

Шундай китоблар бўладики, уларнинг тақдимоти қардош мамлакатлар манфаати ва ҳамкорлигига хизмат қилади. Туркия пойтахти Анқара шаҳрида бўлиб ўтган «Мирзиёев доктринаси: глобал беқарорлик давридаги имкониятлар дипломатияси» номли китоб (турк тилидаги нашри) тақдимоти ҳам ҳар жиҳатдан қизиқарли кечди.



Туркия Президенти Администрациясининг Жамоатчилик билан алоқалар департаменти, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (TİKA) ҳамда Ўзбекистоннинг Анқарадаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда икки мамлакатнинг сиёсий ва жамоат арбоблари, олимлар, сиёсатшунослар, халқаро масалалар бўйича етакчи экспертлар, дипломатик корпус ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тақдимотда сўзга чиққанлар асарнинг асосий ғояси, концептуал асослари ва илмий-амалий аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритдилар. Китобда Ўзбекистоннинг сўнгги ўн йилликдаги тараққиёти алоҳида воқеалар ёки ташаббуслар кесимида эмас, балки ягона стратегик ва сиёсий-фалсафий ёндашув асосида таҳлил қилингани таъкидланди. Асарда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, давлат бошқарувидаги ўзгаришлар ва ташқи сиёсатдаги тамойиллар ўзаро узвийликда кенг ёритилгани ҳам алоҳида эътироф этилди. Хусусан, очиқлик, прагматизм, инсон манфаатлари устуворлиги, яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч тамойиллари замонавий Ўзбекистон дипломатиясининг асосий мезонлари сифатида кўрсатилган.

Туркиялик экспертлар Янги Ўзбекистондаги кенг қамровли ислоҳотлар ягона илмий ёндашув асосида тизимлаштирилган ва уларнинг стратегик мазмун-моҳияти очиб берилган бу асарни фундаментал асар деб баҳолашди. Улар Ўзбекистон раҳбарининг минтақада барқарорликни мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда яхши қўшничилик муносабатларининг янги архитектурасини шакллантириш ҳамда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдаги ролини мамнуният билан қайд этишди. Шунингдек, мамлакатнинг очиқ ва изчил ташқи сиёсати халқаро нуфуз билан бирга, инвестициявий жозибадорликни ҳам ошираётгани таъкидланди.

Тақдимотда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги бугунги юксак даражадаги муносабатлар, икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги самимий мулоқот ва стратегик ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳам алоҳида эътироф этилди.

Анжуманда айтилганидек, Туркия раҳбариятининг қизиқиши ва ташаббуси билан китобнинг турк тилида нашр этилиши Туркия жамоатчилигига Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёт модели ва тинчликпарвар сиёсати билан яқиндан танишиш имконини беради.

Тадбир якунида китоб тақдимотларини Туркиянинг бошқа шаҳарларида ҳам ўтказиш ҳамда жамоатчилик вакиллари, етакчи мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари ва брифинглар ташкил этиш бўйича келишувга эришилди. Бу эса Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги стратегик шериклик сиёсий ва иқтисодий алоқалардан ташқари, илмий-интеллектуал йўналишда ҳам изчил ривожланаётганини кўрсатади.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон парламент делегациясининг Корея Республикасига расмий ташрифи доирасида Сеул шаҳрида «Мирзиёев доктринаси: глобал беқарорлик давридаги имкониятлар дипломатияси» номли китобнинг корейс тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди.

СЕУЛДА «МИРЗИЁЕВ ДОКТРИНАСИ: ГЛОБАЛ БЕҚАРОРЛИК ДАВРИДАГИ ИМКОНИЯТЛАР ДИПЛОМАТИЯСИ» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Тадбирда Корея Республикасининг илмий ва ишбилармон доиралари вакиллари, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самара бераётганини қайд этди. Айниқса, мамлакат ташқи сиёсатидаги дўстона муносабатлар халқаро ҳамкорликни янада кенгайтираётгани эътироф этилди.

Китобда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган Янги Ўзбекистон ташқи сиёсати, яхши қўшничилик, очиқлик, ўзаро ишонч ва прагматик ҳамкорлик тамойиллари асосида олиб борилаётган дипломатик саъй-ҳаракатлар кенг ёритилган. Хусусан, Марказий Осиёда минтақавий барқарорлик ва дўстона муҳитни таъминлаш, халқаро иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, инвестициялар жалб этиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида юксак натижаларга эришилаётгани очиб берилган.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари, саноат, транспорт, таълим, тиббиёт ва юқори технологиялар соҳаларидаги қўшма лойиҳалар икки мамлакат ҳамкорлигининг амалий ифодасидир.

Шунингдек, тадбирда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, мажбурий меҳнатга барҳам бериш, гендер тенгликни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш ҳамда таълим имкониятларини кенгайтириш йўналишларидаги ислоҳотлар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистоннинг сўнгги ўн йилликдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш ва илм-фан соҳасини ривожлантириш борасидаги натижалар алоҳида таъкидланди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮТУҒИ БИЗНИКИ ҲАМДИР



Сатибалди ДАУЛЕТАЛИН,
Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси:

Ўзбекистон касаба уюшмалари 8 миллиондан ортиқ меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилмоқда. Бу жуда салмоқли рақам ва катта ютуқдир. Биз Ўзбекистон эришаётган барча муваффақиятлардан қувонамиз, айниқса, касаба уюшмалари тизимидаги яхши натижаларни мамнуният ила эътироф этамиз.

Қозоғистон ва Ўзбекистон касаба уюшмаларининг икки томонлама ҳамкорлиги юқори даражада йўлга қўйилган. Хусусан, ижтимоий шерикликни ривожлантириш, кадрларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш йўналишларида фаол ҳамкорлик қиляпмиз. Шунга кўра, бугунги байрам билан Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимида ишлаётган барчани чин дилдан қутлайман. Юртингиз келгусида янада гуллаб-яшнасин, инсон ва меҳнаткашлар манфаати йўлида яратилаётган имкониятлар янада кўпайсин!

ҲАМКОРЛИГИМИЗ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНСИН!



Абдулғаффор Азиз РАҲМОНЗОДА,
«Тожиксаноат» саноат ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари:

– Мен шу йил 10 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро Евроосиё Металлурглар Федерацияси Марказий қўмитасининг 62-мажлисида иштирок этиш жараёнида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг фаолияти билан яқиндан танишдим. Пировардида ушбу тизим томонидан кейинги пайтларда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим, айниқса, унинг ишчи-ходимлар учун қулай меҳнат шароитлари яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлари эътирофга лойиқ, деган хулосага келдим.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз касаба уюшмалари ўртасидаги дўстона муносабатлар, ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланиб, умумий мақсадларимиз меҳнаткашлар манфаатлари ҳимояси учун йўналтирилади.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ БИЗГА НАМУНА



Юксел ЮМЕРОВ,
Болгария «Кимё» касаба уюшмалари миллий Федерацияси раиси ўринбосари:

– Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва барча меҳнаткашларни байрам билан самимий қутлайман. 10 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро Евроосиё Металлурглар Федерацияси Марказий қўмитасининг 62-йиғилишида иштирок этдим. Бугун эса ушбу қутлуғ байрамда қатнашяпман.

Тошкент шаҳрининг гўзаллиги, замонавий қиёфаси, жадал тараққиёти ва халқингизнинг меҳмондўстлиги менда жуда катта таассурот қолдирди.

Баралла айтишим мумкинки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг тажрибаларга бой фаолияти бизга намуна бўла олади.

ЭҲТИРОМДАН МАМНУНМАН



Алишер МУЛЛАБЕКОВ,
«Эҳтиром» нишони соҳиби, Авиация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси:

– Бугун касаба уюшмалари олдида турган вазифалар кенгайиб, унинг меҳнат жамоалари ҳаётидаги иштироки тобора фаоллашмоқда. Бу эса ҳар биримиздан ташаббускорлик, масъулият ва меҳнаткашлар ишончини оқлашни талаб этади. Менга берилган мукофотни ана шу ишончнинг ифодаси, деб биламан.

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ВАТАН РАВНАҚИГА МУНОСИБ

Пойтахтимизда 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ САРОЙИ БАЙРАМОНА БЕЗАТИЛГАН. МЕҲМОНЛАР КАРНАЙ-СУРНАЙ САДОЛАРИ ОСТИДА БИРИН-КЕТИН КИРИБ КЕЛИШМОҚДА. ФОЙЕДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТОМОНИДАН СЎНГГИ ЎН ЙИЛЛИКДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ҚУРИЛИШ-БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИ АКС ЭТТИРГАН КЎРГАЗМА НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА. БУ ТАШРИФ БУЮРУВЧИЛАРДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ.

Залга ҳамма жойлашиб бўлгач, чорлов мусиқаси янграб, экранда «11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни» ва «Байрамингиз муборак бўлсин!» ёзувлари ва касаба уюшмалари логотипи пайдо бўлди.

«11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари кунига бағишланган байрам тадбирига ХУШ КЕЛИБСИЗ!»

Бу жарангдор қутлов дилларга илк учқунни ташлади ва у Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси билан алангаланди. Қайноқ лаҳзалар тинчлик ва дўстлик тараннуми билан давом этди.

Экранда Ер шари аланга фонида намоён бўлди.

Дунё – дунё бўлиб яралди қачон?
Ҳаёт оҳанглари таралди қачон?
Зулмат ёруғликни кўролди қачон?
Нима бўлса бўлсин, уруш бўлмасин...

Симфоник оркестр ва хор ижросидаги Моцартнинг реквин асари, уруш ва исёнлар видеолавҳалари қалбларни титратмасдан қўймади.

Сўнгра Ер шари тинчлик рамзига ўзгарди, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Ассамблеясидаги 2023 йилдаги нутқи жаранглади.

Горизонтда юртимиздаги осойишта ҳаёт – заводлар, фабрикалар, комбинатлар, уй-жой қурилишлари, электр станциялари, йўллар, янги аэропортлар ва бошқа бунёдкорликлар симфоник оркестр Манас Левиевнинг «Оқ лолалар» асари ижроси фонида бир-бир намойиш этила бошлади.

Шу пайт кўнглимизда беихтиёр бугун сизу бизни бу ерга жамлаган ягона бир ғоя – Ватан тараққиёти йўлида бирлашиб, эл-юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиш истаги уйғонади. Зеро, замон шиддат билан ўзгармоқда. Мамлакатимизда рўй бераётган янгиланишлар жараёнида ҳар биримизнинг муносиб ўрнимиз бўлиши керак, албатта.

Президентимиз инсон қадри, унинг ҳаёт сифати ижтимоий муҳит билан ҳам белгиланиши, бунинг учун аҳолини уй-жой, сифатли таълим, тиббиёт ва транспорт хизматлари билан кафолатли таъминлаб, энг муҳим ҳаётий эҳтиёжларига етадиган даромад топишига шароит яратиб беришимиз зарур, дея таъкидлаган эди. Бу жараёнларда касаба уюшмаларининг фаол иштироки бугун эътирофга муносиб, назаримда. Мисол учун, биргина «Аёллар дафтари» тизимини оладиган бўлсак, унинг доирасида амалга оширилган ишлар алоҳида эътиборга молик бўлди. Ўтган даврда мутасадди вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигида хотин-қизлар билан мулоқот ўтказилиб, уларнинг муаммолари, дарду ташвишлари ва эҳтиёжлари ўрганилди. Натижада 1 миллион 25 мингдан зиёд опа-синглимизнинг муаммолари ижобий ҳал этилишига эришилди.

Ҳа, аёл меҳнати қадрланган жамиятда оила мустаҳкам, фарзандлар тарбияси барқарор, жамиятнинг маънавий муҳити соғлом бўлади. Шу боис хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш бутун жамиятнинг келажагини ҳимоя қилиш демакдир. Бинобарин, «Касаба уюшмалари – аёллар манфаати йўлида» тамойили асосида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда камарбаста бўлишга интилаётганимиз ҳам бежиз эмас.

Симфоник оркестр, хор ва Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов ижросида «Қуряпмиз» қўшиғи ушбу фикрларни, таъбир жоиз бўлса, онгимизга муҳрлаб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, касаба уюшма фахрийлари ва фаоллари билан бир қаторда, хорижий давлатлардан ташриф буюрган делегация аъзолари ҳам байрам тадбирининг азиз меҳмонлари бўлишди.

10 ноябрда пойтахтимизда Халқаро Евроосиё металлистлар Федерацияси Марказий қўмитасининг 62-мажлиси ўтказилган эди. Унинг иштирокчилари бўлган қатор давлатлар вакиллари тантанали дамларда ҳам қувончимизга шерик бўлдилар.

Экранда Арманистон, Беларусь, Болгария, Босния ва Герцеговина, Грузия, Молдова, Озарбайжон, Россия, Сербия, Тожикистон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Шимолий Кипр, Шимолий Македония ҳамда Эрон Ислом Республикаси давлатлари байроқлари ҳилпираб, залдагилар уларни қарсаклар билан олқишлади.

Молдова миллий касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси Игорь Зубку бошчилигидаги делегация аъзоларига ҳам бугунги байрам тадбиридаги иштироклари учун алоҳида миннатдорчилик билдирилди.

Сўнгра саҳнага «Ором» болалар ансамбли чиқиб келди. Мавриди келганда айтиб ўтиш жоизки, бу йилги ёз мавсумида Федерация тизимидаги 84 та стационар оромгоҳда 90125 нафар болажон соғломлаштирилди. Тизимда фаолият олиб бораётган 4 та ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳам келажак авлодларнинг соғлом ва баркамол бўлиб улғайишига ҳисса қўшмоқда...

Шундан сўнг дўстлик қўшиқлари гулдастаси садолари остида «Шодлик», «Баҳор», «Лазги», «Навбаҳор» ансамблари турли миллатлар рақсларини ижро этишди. Ўзларининг миллий либослари ва куйлари садолари остидаги дилга яқин чиқишларни ҳар бир меҳмон тик туриб қаршилади.

Байрам шодиёнаси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг бадиий жамоалари томонидан армуғон этилган куй ва қўшиқлар билан давом этди. Уларнинг оҳангида мамлакатимизда амалга оширилаётган эзгу ислоҳотлар, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун яратилган муносиб шароитлар жаранг сочди, гўё.

Навбат Алишер Навоий номидаги академик катта театри артистларига берилди. Халқаро танловлар ғолиби Ширин Ҳасанова Сен-Санс «Оққуш» рақсини маҳорат билан ижро этди. Шунингдек, «Баттерфляй хоним» операсидан «Чио-Чио сан» арияси, «Турбадур» операсидан Монрико стреттоси янгради. Бу наволар, айниқса, хорижлик меҳмонларга ғоят манзур бўлганини уларнинг юз-кўзларидаги самимий табассумдан англаш қийин эмасди.



Тарихий хотира – халқнинг миллий ўзлиги ва маънавий таянчи ҳисобланади. Аждодлар меросини қадрлаш эса тарихга ҳурмат-эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР МУЖАССАМ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаоллари «Янги Ўзбекистон» боғидаги Мустақиллик монументи пойига гул қўйиш маросимида иштирок этиб, ана шу эзгу қадриятларга садоқатларини намойиш этдилар.

Бу каби маросимларда турли соҳа вакиллари ҳамда касаба уюшмалари тизими ходимларининг қатнашишлари алоҳида аҳамиятга эга. Чунки касаба уюшмалари фаолияти фақат меҳнат муносабатлари, ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билангина чегараланмайди. Бунда уларнинг жамият ҳаётидаги иштироки, ижтимоий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, инсон қадри ва миллий қадриятларни улуғлашга қўшаётган ҳиссалари ҳам беқиёс.

«Янги Ўзбекистон» боғидаги гул қўйиш маросими ҳам ана шундай эзгу мақсадларни ўзида мужассам этди.

Дилдора ДЎСМАТОВА
«ISHONCH»

ЙЎЛИДА БИРЛАШИБ, ҲИССА ҚЎШАМИЗ

муносабати билан ўтказилган байрам тадбиридан репортаж







Қўшиқлар тақдимотини Ўзбекистон халқ артистлари Фаррух Зокиров ва Юлдуз Усмонова якунлаб берди. Олқишлар остида баралла куйланган наволар тантанага янада жозиба ва шукуҳ бағишлади.

Асосий экранда Президентимизнинг касаба уюшмалари фаоллари билан учрашувдаги нутқидан тақдим этилган парчалар фаолларни яна бир бор бултурги 120 йиллик тарихий санага қайтарди.

Учрашувда Президентимиз ***«Кучли касаба уюшмалари – кучли жамият асоси»*** деган ташаббус асосида ҳар бир инсонга муносиб меҳнат, касб соҳасида ўсиш, дам олиш ва саломатлигини тиклаши учун зарур шароит яратиш жараёнларида олдинги сафда бўлишимиз кераклигини бежиз таъкидламаган эди. Бугун касаба уюшмалари Янги Ўзбекистон ислоҳотларининг фаол иштирокчиси, давлат ва жамият ўртасидаги муҳим ижтимоий шерик сифатида майдонга чиқмоқда.

Келинг, маълумотларга назар ташлайлик. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан шу йилнинг ўтган даври мобайнида 3 мингга яқин ходимнинг меҳнат ҳуқуқи ҳимоя қилинди. Уларнинг фойдасига қарийб 9 миллиард сўм миқдорида маблағ ундириб берилди. 1 минг 70 нафар ходим ўз ишига қайта тикланди. Меҳнат муҳофазаси бўйича 3 мингдан ортиқ камчиликлар бартараф этилди. Шу билан бирга, мингга яқин жамоатчилик назорати ҳамда 10 та вазирликда гендерга оид аудит тадбирлари ўтказилди.

Санаторийларда 60 минг нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари имтиёзли соғломлаштирилди, 105 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийсининг саломатлиги тикланди. 331 минг нафардан зиёд бола стационар ва кундузги оромгоҳларда дам олдирилди. Бундан ташқари, 303 минг 702 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари, 5 мингга яқин кекса авлод вакиллари учун республикамиздаги диққатга сазовор қадамжоларга саёҳатлар ташкил қилинди.

Эътиборли жиҳати, бугун касаба уюшмаларининг фаолияти фақат мамлакатимиз доираси билан чекланиб қолмаяпти. Хорижий давлатлардаги турдош ташкилотлар ва халқаро тузилмалар билан ҳамкорлик алоқалари ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу, ҳеч шубҳасиз, муҳтарам Президентимизнинг очиқ ва прагматик ташқи сиёсати маҳсулидир. Тадбир асносидаги илиқ суҳбатларда бу фикрни хорижлик меҳмонлар ҳам алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Албатта, бу рақамлар шунчаки саноқлар эмас, уларнинг ҳар бири ортида бир нурли юзнинг табассуми, бугунига шукронаси ва эртасига бўлган умидлар акси бор. Асосийси эса – натижа. Шубҳасиз, натижалар давлатимиз раҳбарининг элу юрт, Ватан ва миллат учун қайғурадиган ташаббуслари ҳосиласи, Янги Ўзбекистонда яратилаётган имкониятлар самарасидир. Шу маънода, ўз сафларида саккиз миллионга яқин аъзони бирлаштирган Ўзбекистон касаба уюшмалари инсон қадри, меҳнаткашлар манфаати ва ижтимоий адолатни таъминлашга ҳисса қўшишда давом этади.

Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада институти талабалари ижросидаги «Янги Ўзбекистон» қўшиғи чин маънода ана шу эзгу мақсадларимизга қанот бўлди. Касаба уюшмаларининг ҳар бир ташаббуси, ҳар бир амалий қадами ва ҳар бир ислоҳоти замирида битта эзгу мақсад – инсон қадрини улуғлаш, меҳнатни қадрлаш ва меҳнаткашларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш ғояси мужассамдир.

Гулрухбегим ОДАШБОЕВА
«ISHONCH»



Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган суратлар

ҲАМКОРЛИГИМИЗ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАВЕРСИН!



Виктория НИЦА,
Молдова Республикаси Энергетика ходимлари касаба уюшмаси Федерацияси раиси:

– Ўзбекистонга илк бор келишим. Халқингизнинг меҳмондўстлиги ва миллий қадриятлари менда жуда катта таассурот қолдирди. Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида бўлиб, бой тарихингиз билан яқиндан танишдик. Анжуман ва йиғилишларда эса Молдова ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан келишиб олдик. Бу ўзаро тажриба алмашиш, касаба уюшмалари фаолиятини янада яхшилаш, ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун муҳим асос бўлади.

Бизда ҳам ҳар йили 7 июнь Касаба уюшмалари куни сифатида нишонланади. Шу муносабат билан турли тадбирлар ўтказилиб, уларга соҳа фаоллари ва аъзолари кенг жалб этилади.

Аслида сизу бизнинг мақсадларимиз битта, у ҳам бўлса, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш. Модомики, шундай экан, ўзаро ҳамкорлигимиз изчил ривожланаверсин!

БИР-БИРИМИЗДАН ЎРГАНИШИМИЗ МУҲИМ



Алмазбек ЖАХИБОВ,
Қирғизистон касаба уюшмаларининг тоғ-кон металлургия тармоғи кенгаши раиси:

– Барчамиз бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидамиз. Шу боис бир-биримизнинг тажрибамизни ўргансак, ютуқларимизни ўзаро баҳам кўрсак, фойдадан холи бўлмайди. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашсак, мен Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни ва уларнинг ижобий натижаларини алоҳида эътироф этаман. Ўзаро учрашувлар ва юзма-юз мулоқотлар эса халқлараро дўстлик ва касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорлик ҳар қачонгидан ривожланишига хизмат қилади, деб ўйлайман. Айни чоғда, барча ўзбекистонликларни байрам билан самимий қутлайман!

ИНСОН ҚАДРИ ВА МЕҲНАТ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА



Темирбек БЕКМИРЗАЕВ,
«Касаба уюшмасининг энг фаол ходими» кўкрак нишони соҳиби, «Иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамияти бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси ўринбосари:

– «Янги Ўзбекистон – янги касаба уюшмалари» шиори остида ўтказилаётган тантанада камтарона меҳнатларим эътироф этилганидан ғоят мамнунман. Соҳадаги фаолиятим давомида улкан ўзгаришлар, янгиланишлар ва ривожланишларга гувоҳ бўлдим. Энг муҳими, бугунги касаба уюшмалари фаолияти марказида инсон қадри, меҳнати ва манфаатлари мужассам. Меҳнати қадрланган, ҳуқуқлари ҳимояланган ва ижтимоий қўллаб-қувватланган ходим эса ўз касбига янада масъулият билан ёндашади.

ҚАЛБЛАРДА ИФТИХОР УЙҒОТГАН ТАРИХ

11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан пойтахтимизга ташриф буюрган бир гуруҳ соҳа фаоллари ва фахрийлар Ислом цивилизацияси марказида бўлишди. Ушбу даргоҳ нафақат юртимиз, балки Марказий Осиёда ҳам ислом тарихига оид ягона маскан саналади. У жорий йилнинг апрель ойида «Энг йирик ислом цивилизацияси музейи» сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган. Бундан ташқари, дунёдаги энг йирик 10 та музейдан бири ҳисобланади.



Касаба фаоллари музейни томоша қилиш баробарида, милоддан аввалги илк даврлардан тортиб, бугунги кунгача бўлган ўлкамиз ҳудудидаги ривожланиш, Исломнинг тараққиёт босқичлари ҳақида тушунчага эга бўлишди.

– Марказга биринчи бор келишим. Қалбимда ўзгача фахр туйғусини ҳис этяпман, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши раиси Улуғбек Жалменов. – Юртимизнинг ҳар бир фуқароси бу масканни ўз кўзи билан кўриши керак. Набираларим ва фарзандларимни ҳам бу ерга олиб келишни кўнглимга тугдим.

– Жиззах шаҳридаги 22-мактабнинг бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раиси бўламан. Бу ерда бўлганларнинг таассуротларини эшитгандим. Аммо ўзим кўриб, англадимки, тасаввур қилганимдан ҳам аъло экан, – дейди Феруза Пардаева. – Жонли тарих яратилган. Остодонларнинг келиб чиқишидан тортиб, Сурхондарёнинг Сополлитепа ёдгорлик мажмуаси деймизми, терига ёзилган Авесто қоидалари, Имом Бухорийнинг дунё кезиб, ишончли ҳадисларни тўплагани – барчаси ҳақида батафсил маълумот берилди.

Меҳмонлар орасида яқинда ўтказилган турли танлов ғолиблари ҳам бор. Улардан бири Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Хоразм вилояти Урганч тумани кенгаши раиси, «Энг фаол аёл раиса» номинацияси совриндори Меҳрибон Мадаминова бўлиб, опанинг иш тажрибаси билан қизиқдик.

– 82 та бошланғич ташкилот 5314 нафар аъзони бирлаштирган. Касабақўмларга мунтазам методик кўмак бериб келамиз. Педагогларга иш ҳақи тўланишида муаммо йўқ. Халқаро сертификатга эга устозларга устамаларнинг ўз вақтида берилиши бўйича жамоатчилик назоратини ўтказиб келяпмиз. Баъзида кечикиш ёки тушунмовчиликлар бўлиб қолганда, унга ҳуқуқий жиҳатдан ечим топяпмиз. Шу билан бирга, педагоглар орасида дарс тақсимоти тўғри ташкил этилишига ҳам эътибор қаратилади. Мурожаатлар билан ўз вақтида шуғулланиб, муаллимларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаяпмиз. Туман кенгаши раиси сифатида устозларни юртимиз бўйлаб саёҳатларга, айниқса, Ислом цивилизацияси марказига кўп юборганмиз. Байрам арафасида ўзимга ҳам бу азим масканга келиш насиб этганидан хурсандман.

– Ҳар йили касаба уюшмалари кунини ўзгача шукуҳ билан нишонлаш анъанага айланди. Бу нафақат биз каби фаолларнинг, балки ҳар бир аъзоларимизнинг ҳам байрамидир, – дейди Фарғона вилояти Бувайда тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси Саида Абдуллаева. – Хурсанд бўлганим, бу ерда ўтмишимизга, айниқса, Ислом тарихига алоқадор ҳар бир шахс ва воқелик ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин: Имом Бухорий, Имом Термизий, Биринчи Ренессанс, Иккинчи Ренессанс... Шундай улуғ аждодлар юртида туғилганим, шу тупроқ фарзанди эканимдан фахрланиб кетдим.

Ҳа, байрам фақатгина мукофотлаш ёки тантанали маросимдан иборат бўлиб қолмади. У ходимларнинг маънавий оламини бойитишга хизмат қиладиган ана шундай зиёратлар билан мазмунли ва эсда қоларли бўлди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»
Жасурбек СОЛИКОВ
олган сурат

ЭССЕ

БЎЗАТОВНИНГ ОРОМИЖОН ОҲАНРАБОСИ



Нонингни кўп едим, роҳатин кўрдим,
Хўш, омон бўл, биздан қолдинг, Бўзатов.

Ажиниёз ҚЎСИБОЙ ўғли

Буюк жадид бобомиз Абдулла Қодирий ўзининг шоҳ асари – «Ўткан кунлар» романини «Биз янги даврга оёқ босдик» деган олтин сўзлар билан бошлаган эди. Бизлар ҳам бугун кенг ҳамда кўҳна жаҳон ичра ибратли бир жаҳон бунёд этаётган Янги Ўзбекистонда мазмунан янги даврга оёқ босяпмиз. Бу тамомила янги даврнинг мусаффо, ҳаётбахш нафасини бир вақтлар эътибору эътирофдан четда қолган, аммо бугун яшнаётган ва яшараётган Бўзатов заминида янада яққолроқ ҳис қилиш мумкин.

...2026 йилнинг ақраб ойида мен беҳиштмонанд Бўзатовга чўллаб-чўллаб келдим. Йўқ, у ерлик чорвадорнинг ширин тотли қимронига ё ўткир қимизига эмас, улуғ дарёнинг ўнг соҳилидаги асрий тўранғилзорлардаги асрий сокинликка, топ-тоза ҳавога, тўқай қушларининг ёқимли нағмаларига, келгуси асрлардан умидини узмаган оқсоч Орол уммонидан эсган эпкинларга ташна бўлиб келдим. Балиғининг таърифи етти иқлимга етган Довудкўлнинг тўлқинтўлқин ойдинларини, Ажиниёз шоирга жўш, яъни илҳом бахш этган Эркиндарёнинг олмалари болдан ширин боғларини, сўкмоқларидан Бердақ шоир дутор кучоқлаб ялангоёқ одимлаган Қушқаноттовнинг ёвшан ҳиди анқиган адирларини қароқларимга жойлаш учун ташриф буюрдим.

Улус ижодкорларини оҳанрабодек ўзига тортган, Ажиниёз ва Бердақ шоирларни баралла куйлатган, Жайҳуннинг новвотранг суви боис қайта яшнаган Бўзатовдан нон-туз тотиш эса каминаи камтарингга 1980 йилнинг асадида насиб этди. Ўшанда мен янгидан ташкил этилган қўриқ Элликқалъа туманининг етакчиси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган муҳандис, иқтисод фанлари номзоди Олимбой Примов, у кишининг тўрт азиз дўсти – Нукус тумани раҳбари Юсуфбой Полвонниёзов, Қораўзак туманининг кўпчиликка таниш сарбони Султонмурат Каньязов, Қонликўл тумани етакчиси Ниятулла Сейитназаров, Ўзбекистон Мелиорация ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Тимур Камоловлар билан Бўзатовга бордим.

СИҲАТГОҲИМИЗ ЙИЛИГА 6000 КИШИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ҚУВВАТИГА ЭГА. УНДА ОЛТИ ҚАВАТЛИ АСОСИЙ БИНОДАН ТАШҚАРИ, ИККИТА ОИЛАВИЙ КОТТЕЖ ҲАМ БОР. ТУЗ ҒОРИ, ОКСИГЕНОТЕРАПИЯ, ГИДРОМАССАЖ, УМУРТҚА ПОҒОНАСИ ЧУРРАСИНИ ДАВОЛАШ, ОЗОНОТЕРАПИЯ, ЛАЗЕРОТЕРАПИЯ, КАРБОКСИТЕРАПИЯ ВА БОШҚА ФИЗИОТЕРАПЕВТИК МУОЛАЖАЛАР ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН.

– Бўзатовнинг «магнити» бор, – деди бизларни қучоқ очиб кутиб олган оқсоқол, Бўзатов тумани ижроия қўмитаси раиси Узоқберген Тлеумуратов. – «Магнит»ни китобий тилда нима дейди, Олимбой?

– Мана, ёнимда «специально» Янгибой шоирни олиб келдим. Шу сўзнинг «перевод»ини айтсин, деб!

– Оҳанрабо дейилади... – қизариб-бўзариб жавоб бердим.

– Ҳали ана шу оҳанрабо кўп бошлаб келади сизларни Ажиниёз элина! – деди Узоқберген оға ва бизларни афсонавий Довудкўл соҳилида меҳмон қилди.

Сарбоннинг қадами қутлуғ келса, карвоннинг шашти тезлашади. Атоқли оқсоқолимиз Қаллибек Камолов Қорақалпоғистон етакчиси лавозимини ўз зиммасига олганидан кейин Тўрткўл, Беруний, Шуманай, Қораўзак туманларини қайта тиклади. Нукус, Қонликўл, Элликқалъа, Бўзатов туманларини янгидан ташкил этди. Бўзатов Қорақалпоғистон чорвачилигининг танглайини кўтарди. Узоқберген Тлеумуратов, Сабит Матчонов, Асенияз Жуманов, Тонготар Абдуллаев, Жалғас Ибрагимов, Сарсенбой Жимов, Мақсет Баймуратов, Мамбетмурат Камолов, Маденбой Тлеумуратов, Жугинис Жуманазаровлар Ажиниёз элида ибратли ишларни уддаладилар.

Янги Ўзбекистон ёғдуси Бўзатовни ҳам сутдек ёритиб юборди. 2019 йилнинг 30 август куни оққан дарё қайта мавж уриб оқди, одил ва оқил раҳбар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев имзо чеккан фармонга кўра, Бўзатов тумани иккинчи марта қайта тикланди. Давлатимиз раҳбари нафақат туман маркази қилиб белгиланган Қозонкетган, яъни Бўзатов шаҳарчаси, балки ҳар бир аҳоли маскани, ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонни обод қилиш, хусусан, бу гўзал масканда замонавий «Бўзатов» сиҳатгоҳини бунёд этиш юзасидан қимматли кўрсатмалар берди, зарур маблағлар ажратди.

2025 йилнинг 17 октябрида, яъни Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 120 йиллиги арафасида «Бўзатов» санаторийси қисқа вақт ичида минтақадаги нуфузли сиҳатгоҳлар сафидан ўрин олди.

Атрофида аср давомида қуёш нурини эмиб яшнаб турган тўранғил дарахтлари, бутазорлар, ёввойи гуллар ифор сочиб турган гўша, ҳақиқатан ҳам, фавқулодда файзлидир. Тўранғилларнинг қувати унинг томирида, бу томирларга куч бериб турган олтин тупроқда, азим Амударёдан келиб турган обиҳаётдадир. Довюрак бўзатовликлар бу олтин тупроққа юз хил экин экиб мўлкўл ҳосил олишади. Бўз ерларга яхоб бериб, сизот сувларини қочиришади. Сув бироз тақчил бўлганида пешоналаридан маржон-маржон тер оқизиб, экинини суғоришади. Бўзатовда унумдор тупроққа эга Эркиндарё адирлари бор. Сал нарида Қушқаноттов ястаниб ётади. Халқ рассоми Жўллибой Изентаев ва унинг шогирдлари бу ерларда неча-неча пейзажларини чизишган. Эндиликда «Бўзатов» санаторийсининг ўзи кўплаб мусаввирлар дилига чўғ солган. Нажимаддин Муҳаммаддинов ва Қурбонбой Заретдиновдек атоқли бастакорлар бу гўзал масканга бағишлаб бир неча симфония ва сюиталар яратишди. Тўқайдаги булбул ва сўфитўрғай нағмаларига Янги Бўзатовда чалинаётган пианино, флейта, скрипка садолари жўр бўлади.

– Бирваракайига икки юз мижозга юқори савияда хизмат кўрсатиш қувватига эга замонавий сиҳатгоҳимиз, яъни пойтахтдан олис ҳудудда олти қаватли ажойиб кошонанинг беқиёс меъморий ечим асосида қад ростлаши, унинг қурилишига 123 миллиард сўм маблағ сарфланиши, 100 дан ортиқ иш ўрни яратилиши, 7 гектар ер ажратиб берилиши, боғ ҳам бунёд этилиши, тўғриси, етти ухлаб тушимизга кирмаганди, ***– дейди санаторий раҳбари Фахриддин Абдуллаев.***

– Сиҳатгоҳимиз йилига 6000 кишини соғломлаштириш қувватига эга. Унда олти қаватли асосий бинодан ташқари, иккита оилавий коттеж ҳам бор. Туз ғори, оксигенотерапия, гидромассаж, умуртқа поғонаси чуррасини даволаш, озонотерапия, лазеротерапия, карбокситерапия ва бошқа физиотерапевтик муолажалар йўлга қўйилган. Бош мия қобиғига ижобий таъсир кўрсатувчи «Электросон-1М», «Магнит», «Искра-1М», «Поток-1М», «Амплипульс-5М» аппаратлари, тракцион ўриндиқ, ультратовушли небулайзерлар ҳам мавжуд. Лой ва парафин билан даволаш бўлими эса мижозлар ишончини қозониб келмоқда. Марказимизнинг бош даволаш омили – 1000 метр чуқурликдаги артезиан ҳавзасидан чиқувчи термал, кам маъданли ҳамда йод-бромли табиий шифобахш сувдир. Маданият саройи, кутубхона, бильярд ва стол тенниси хоналари мижозлар хизматида. Жорий йилнинг 9 ойи давомида мамлакатимиз, яқин ва олис хориж давлатларидан салкам уч минг мижозга хизмат кўрсатдик. Мақсадимиз хизмат сифатини янада яхшилаб, мамлакатимиздаги илғор сиҳатгоҳлар қаторидан муқим жой олиш ҳамда кўп сонли мижозларимиз эътирофига эришишдан иборат!

Сиҳатгоҳда бўлганимизда кўп йиллардан буён юртимиздаги тарих ва археология ёдгорликларини таъмирлашга бошчилик қилиб келаётган Рўзимбой Худойберганов билан суҳбатлашдик. У кишининг раҳбарлигидаги профессионал жамоа Самарқанддаги Шоҳи Зинда, Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса, Хивадаги Нуруллабой, Қаршидаги Кўк гумбаз, Хўжайлидаги Миздаккон, Элликқалъадаги Гулдурсун ёдгорликларида реставрация ишларини олиб борган. Мижоз ўз иши юзасидан мамлакатимизнинг жуда кўп ҳудудларида бўлгани боис бир қанча сиҳатгоҳларда ҳордиқ чиқарган. У ушбу сиҳатгоҳ хизматларидан ўта мамнун бўлганини, Бўзатов эса янгича қиёфа касб этганини айтди. Кетар чоғимда дам олувчиларнинг фикри ёзилган дафтарни варақладим. Аксарияти қалб бисотларидаги энг илиқ сўзларни изҳор қилганларига гувоҳ бўлдим. Жумладан, «Нуроний» жамғармаси Нукус тумани бўлими қошидаги «Аёллар қаноти» фаоли Ҳурлиман Бердиева шундай ёзади:

– Давлатимиз раҳбари 2021 йили Бўзатовга келганларида «Қорақалпоқларнинг қалби уларнинг самимий чеҳрасида яққол кўриниб туради. Тили билан дили, сўзи билан иши бир бўлган шундай олижаноб халқ, албатта, юксак ҳурмат ва эътиборга сазовордир», дедилар. Ва ана шу заҳматкашларга жаҳондаги энг намунали сиҳат масканларига тенг келадиган санаторий қуриб бериш юзасидан топшириқ бердилар. Мана, бугун «Бўзатов» санаторийси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги сиҳатгоҳлар орасида зумрад кўзли узукдек ярқираб турибди. Бу ерда элдошларимиз билан бирга хорижлик мижозлар ҳам ҳордиқ чиқармоқда. Менга биринчилардан бўлиб, ушбу сиҳатгоҳда дам олиш бахти насиб этди. Ўн кунда ўн ёшга яшардим, десам, ишонаверинг!

Эътирофлардан кўнглим тоғдай кўтарилар экан, ўтган йили нукуслик дўстим билан телефон орқали қилган суҳбатимиз ёдимга тушди. Ўшанда дўстимга: «Бўзатовга кел, қўшиқда айтилганидек, майли баҳорда кел, майли ёзда кел, маза қиласан!» деганимда, у: «Бунча мақтанасан, Бўзатовинг Сочимиди, Ялтамиди ё Дубайми?» деди. Мен одоб сақлаб, индамадим. Аммо у жорий йилнинг бошида: «Дўстим! Илтимос, «Бўзатов» санаторийсига жойлашишимга ёрдам бер. Роса мақташяпти!» деб қўнғироқ қилди. Келиб жойлашгач: «Тўқайзорнинг орасида қиёси йўқ мармар сарой қад тиклабди. Шарт-шароитлари Сейшел ва Мальдив оролларидан, Анапа ва Адлер курортларидан асло қолишмайди», деди. Ростданам, ушбу сиҳатгоҳ қисқа вақт ичида Бўзатовимизнинг фахрига айланди!

Қорақалпоғистонда кейинги йилларда юз бераётган янгиланишлар, айниқса, Бўзатов тумани қиёфасидаги ўзгаришлар юртимизда инсон қадри ва ҳудудлар равнақига қаратилаётган эътиборнинг ёрқин намунасидир. Давлат раҳбарининг ҳар бир туман, ҳар бир маҳалла ривожига қаратаётган ғамхўрлиги Бўзатов мисолида ҳам ўз амалий ифодасини топмоқда. Сиҳатгоҳимиз ҳақида-ку, таърифига ортиқча сўз ишлатгандан кўра, «Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган яхши» нақлига амал қилишингизни тавсия этаман. Зеро, юртнинг ҳақиқий ободлиги харитадаги ўрни билан эмас, унда яшаётган инсонларнинг ҳаётдан розилиги ва орзу-интилишлари ижобат топиши билан белгиланади.



Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист

ОЧЕРК

Шаррос қуяётган ёмғир товуши Илҳомжонни уйғотиб юборди. У ўрнидан туриб, деразани очди. Ичкарига ноябрь тонгининг этни жунжиктирадиган ҳавоси урди. Зътиборини теварак-атрофни қоплаган хазонлар тортди. Бу – тунда шўхлик қилган шамолнинг иши эди.



Ноябрь ЁМҒИРИ

Осмондан тўкилаётган томчилар йирик-йирик, демак, ёмғир узоқ давом этмайди. Тўғридаги олма дарахтининг бир дона меваси кузга ишора қилаётган япроқлар орасида яққол кўзга ташланади. Қип-қизил...

Ушбу манзара беихтиёр она қишлоғини эслатди. Камгап отаси, меҳридарё онаси, жондан азиз ака-укалари, опа-сингиллари, қадрдон мактаби, самимий синфдошлари ва содда маҳалладошлари хаёлида жонланди. Димоғини дала ва боғлардан уфуралган ёқимли ҳид тўлдиргандек бўлди.

Қизиғи шундаки, қишлоқ одамлари фарзандлари улғайиши билан ана шундай сўлим жойларни тарк этишини хоҳлашади. Бунга дала ва томорқадаги ҳеч қачон тугамайдиган юмушлар сабаб бўлса, ажаб эмас. Мазкур истакни қачондир шаҳарга кетган, ота-онасини йўқлаш ёки бошқа бир сабаб билан автоуловда келадиган, кийиниши ва ўзини тутиши билан ҳамманинг ҳавасини келтирадиган собиқ ҳамқишлоқлари янада кучайтиради. Жумладан, хўжаликда бригадирлик қилган, қора меҳнат туфайли кафтларини қадоқ босган отаси ҳам, ҳаммага бирдек яхшилик соғинадиган онаси ҳам болаларининг шаҳарда яшашини орзу қилишган. Кечагидек ёдида, беғубор қалбли онажони: «Бўй-бастингга шифокор халати ярашади, шу касбни танлагин», деганди.

Ҳақиқатан ҳам, Илҳомжон комил йигит бўлиб улғайди: одобли, келишган, бақувват. Асосийси, мактабда яхши ўқиди. Шу боис иккиланмасдан тиббиёт институтига ҳужжат топширди. Аммо учинчи имтиҳондан ўта олмади. Уни баҳолаётган семиз домланинг илмоқли гапларидан шифокор бўлишига билими етишмаслиги эмас, балки ўша давр таълимига хос тамагирлик ҳалақит қилганини тушунди.

Бу муваффақиятсизлик Илҳомжонни унчалик ҳам тушкунликка туширмади. Зеро, унга отасидан ирода, онасидан қаноат юққан эди. Шу тариқа, 1978 йилда икки йиллик ҳарбий хизматга жўнаб кетди. Аскарлик ҳаёти уни жисмонан ва руҳан тоблади, қолаверса, рус тилини яхшигина ўзлаштириб олди.

Қишлоғига қайтгач, Жиззах вилоятида ишчилар таъминоти бўлимида бош ҳисобчи бўлиб ишлайдиган акасининг маслаҳати билан Арнасой туманидаги дўконда сотувчилик қила бошлади. Кейин Шароф Рашидов туманидаги Самарқандқудуқ хўжалигига ҳисобчи бўлиб ишга жойлашди.

Иш жараёнида Илҳомжон рақамлар дунёсига, ҳисоб-китобга жуда қизиқиб қолди. Пировардида 1983 йили Тошкент халқ хўжалиги институтининг Жиззахдаги филиалига сиртдан ўқишга кирди. Энди у олий таълим муассасасига яқинроқ жойдан иш топиши керак эди. Шу мақсадда Жиззах шаҳридаги бир неча ташкилотлар эшигини қоқди.

У муддаосига вилоят электр тармоқлари корхонасида эришди. Қўлидан келадигани ҳисобчилик бўлгани боис тўғри бош бухгалтер Озод Эшматовнинг хонасига кириб борди. Бўлғуси устози гапни чўзиб ўтирмасдан, соҳага оид бир неча савол берди ўшанда. Сўнгра унинг ҳужжатидаги маълумотни овоз чиқариб ўқий бошлади: «Илҳомжон Ўринов, 23 ёшда, Самарқанд вилояти Пайариқ тумани Ўймовут қишлоғида туғилган, икки йил ҳисобчи бўлиб ишлаган...»

Озод Эшматовга билимли ҳамда дид билан кийинган йигитча маъқул келганди. Шу тариқа, у бир минг икки юздан ортиқ киши меҳнат қиладиган йирик корхонанинг асосий воситалар бўйича етакчи бухгалтерига айланди. Бир ярим йил ўтар-ўтмас, тафтишчи бухгалтер лавозимини ишониб топширишди.

Иккинчи босқичда таҳсил олаётган кезлари Самарқанддаги университетда муаллималикка ўқиётган ҳамқишлоғи Лола билан оила қурди. Уларнинг бахт қўрғонида тўрт фарзанд камол топди. Ўғли Элёр ота изидан бориб, ҳисобчилик касбини танлади. Қизлари ҳам ҳаётда ўз ўринларини топишди. Айни пайтда 14 нафар набираси бор.

Кези келганда айтиш керакки, Илҳомжон ўқишга кирган йили остонасига қадам қўйган корхона унинг келгуси ҳаётининг ажралмас бўлагига айланди. У мазкур жамоада 43 йилдан бери фаолият юритиб келмоқда.

Тўртинчи курсда ўқиётганида эса корхона касаба уюшмаси қўмитаси раислигига сайланди. Тўғри, дастлаб бу масъулиятни зиммасига олишга иккиланди. Зеро, мингдан ортиқ одам меҳнат қиладиган корхонада иш берувчи ва ходим ўртасида мувозанатни сақлаш, ҳамкасбларининг қувончу ташвишларига шерик бўлиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш осон эмаслигини яхши биларди.

Отаси билан маслаҳатлашди. У «Одамлар ҳурматини қозонибсан, хурсандман, болам!» деганидан сўнггина сайловда номзоди кўрсатилишига рози бўлди. Вақт кўрсатди, у жамоадошлари ишончини оқлади. Акс ҳолда, 40 йил давомида фақат уни мазкур лавозимга қайта-қайта лойиқ кўришмасди.

Бу даврда у қанчадан-қанча одамларнинг дардига малҳам бўлмади, дейсиз. Мисол учун, жорий йилда 30 дан ортиқ ҳамкасбининг ишдан бўшатилиши олдини олишга эришди. Бахтсиз ҳодиса туфайли жароҳатланган электромонтёрнинг даволаниши учун аввал 100 миллион, сўнг яна 83 миллион сўм ажратилишида ҳам унинг ҳиссаси катта. Айтаверсак, гап кўп...

Унинг меҳнатлари ҳамиша қадр топяпти. Чунончи, «Қасаба уюшмалари кунига 1 йил», «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил», «Эҳтиром» каби қатор кўкрак ва эсдалик нишонларига муносиб кўрилди. Шунингдек, у айни пайтда Ёқилғи-энергетика ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг Жиззах вилояти вакили ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши раёсати аъзоси ҳисобланади.

Шуларни ўйлар экан, юрагини ғурур ҳисси тўлдирди. Кейин соат саккизда бошланғич касаба уюшмалари раислари ҳамда меҳнат муҳофазасига масъул ходимлар иштирокида йиғилиш ўтказиши кераклиги ёдига тушди. Мазкур тадбирга озроқ тайёргарлик кўриши зарур. Шу боис ишга бир соат олдин жўнамоқ тадоригини кўра бошлади.

Ташқарида шивалаб ёмғир ёғарди...



Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

Марокли дам олинг, азиз газетхон!



Фаррух Зокиров ижросида
«ЎЗБЕКИСТОН»
ҚЎШИҒИ

Ўзбекистон – Ватаним,
Бахт баҳорим – чаманим.
Юрт – ягона, халқ – танҳо,
Элга фидо жон таним.

Ялла, ялла, ялла, ялла,
Юрт ишқида ёнаман.

Эълон

Тошкент вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси ҳузуридаги Чақирилувчиларни ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёрлаш маркази томонидан 30.06.2022 йилда Шавкатов Шаҳзод Фарход ўғли номига берилган 11АА440265 рақамли гувоҳнома йўқолгани маълум қилинади.

MUASSIS:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),

Ulug’bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G’OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),*
Mehriddin SHUKUROV *(Mas’ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti **– (71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot **– (71) 256-52-89**
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport **– (71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash **– (71) 256-85-43**
Marketing va obuna **– (71) 256-87-73**

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog’iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg’ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
G‘ulomjon MIRAHMEDOV

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 00:50
Topshirildi – 01:20

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning **seshanba, payshanba va shanba** kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas’ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 013 ta
Shundan: 6 498 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;

19 324 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;

9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg’ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: 515**

1 2 3 4 5 6